

**ТЕХНИКУМ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ  
ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ПЕДАГОГИК  
УСЛУБЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ.**

**Уста-Азизова Д.А  
Бозорова Д.Б.**

Муаммонинг долзарбилиги: Замонавий технологиялар жадал ривожланоқда ва бу ривожланиш кундалик хаётимиздаги барча соҳаларга кириб бормоқда. Тиббиёт ёналиши, мухандислик, экономика в.х.к. шулар қаторида педагогикадаги ривожланишлар мислсиз. Бу ривожланишга жавобан келажак ёшларимизни хар қандай ўзгаришларга мослашувчан, билимли ва салохиятли ёшларни тарбиялаш замонимизда халигача муносиб йечим топмади. Кўплаб янги ўқув тизимлари қаторида биз таклиф қилаётган ёндашувлар таълимнинг шахсий ривожланиш жиҳатини сезиларли даражада кучайтиради, инсоннинг ҳаёти давомида “касбий шахс” сифатида ривожланиши ва шаклланишини ўз ичига олади, шу билан бирга касбий таълим шахсга ўз қобилиятига мувофиқ таълим йўналишларини танлаш эркинлигини таъминлайди. "Касбий фаолиятга тайёрлик" деганда биз касбий таълимнинг натижаси ва келажакдаги касбий фаолиятнинг тизимили яратувчи омили бўлган мотивацион, ижодий, назарий ва амалий таркибий қисмларни ўз ичига олган шахснинг интеграцион сифатини тушунамиз. Талабаларнинг доимий ривожланиб, янгиланиб турувчи касбий фаолиятга тайёргарлигини шакллантириш касбий таълимнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Мақсад: техникумлардаги та’лим интегратцияси замонавий педагогик технологиялар мажмуасини қўллаш орқали ўқувчиларининг касбий фаолиятга тайёргарлигини ривожлантиришдан иборат.

Текширув предмети - интеграцион таълим шароитида ўқувчиларнинг касбий фаолиятга тайёрлигини шакллантиришни таъминлайдиган педагогик технологиилар.

Тадқиқот услублари: Бирламчи шу вақтгача таклиф этилган услугуб ва ёндашувларни тахлил қилиш, назарий - тадқиқот муаммоси бўйича фалсафий, педагогик-психологик, социологик, илмий ва услугубий адабиётларни ўрганиш, эмпирик - касбий таълим ҳолатини ўрганиш, ўқув ва ишлаб чиқариш жараёнини кузатиш, сўровлар, сұхбатлар, меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, экспериментал - талабалар ва талабаларнинг ўқув ва ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини текшириш, шахсий қобилияtlарини аниқлашга қаратилган амалий усулларидан фойдаланиш. Асосий метод педагогик технологияларини комплекс қўллашни ҳисобга олган ҳолда техникум ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш моделини жорий этиш бўйича педагогик эксперимент ўтказиши.

Тадқиқот босқичлари. Тадқиқот уч босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич - техникум ўқувчиларининг касбий фаолиятга тайёргарлигини ривожлантириш муаммосининг назарий асосларини ўрганиш. Технологияларнинг ўқувчиларнинг касбий фаолиятга тайёрлигини шакллантиришга таъсирини ўрганиш. Коллеж ўқувчиларининг касбий фаолиятга тайёргарлигининг таркибий қисмларини аниқлаш.

Иккинчи босқич - касб-хунар таълимининг педагогик технологияларини комплекс қўллаш ва ўқитиш мазмунининг узлуксизлигини ҳисобга олган ҳолда, техникум ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш моделини асослаш, ишлаб чиқиш ва қуриш. Коллеж ўқувчиларининг касбий фаолиятга тайёргарлиги компонентларини экспериментал синовдан ўтказиши.

Учинчи босқич - иш натижаларини умумлаштириш, шакллантирувчи экспериментнинг хulosаларини таҳлил қилиш ва аниқлаштириш. Коллеж ўқувчиларини касбий фаолиятга тайёрлаш моделининг маҳсулдорлигини текшириш. Ўқув ва услугий хужжатларни тайёрлаш. Асосий назарий тамойиллари ва хulosаларни ойдинлаштириш.

Натижа: Тадқиқотни амалиётга татбиқ этиш тадқиқотнинг дастлабки назарий қоидаларининг методологик асосланганлиги, муаммони ҳал қилишда яхлит ёндашув, тан олинган тадқиқот усулларидан фойдаланиш, экспериментал майдон натижалари, турли хил тадқиқот усуллари, ҳар томонлама таҳлил қилиш билан таъминланади.